

ЖОРИЙ АКТИВЛАР ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИДА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Улугбек Анорбаевич НУРМАНОВ

профессор

иқтисод фанлари доктори

“International School of Finance Technology and Science” LLC

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: nurmanovua@gmail.com

Шерзод Бахтиёрович МАХМУДОВ

мустақил тадқиқотчи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: Tushina888@mail.ru

Аннотация

Жорий активларни самарали бошқариш бошқарув ходимлари учун мураккаб ва масъулиятли вазифадир. Ушбу мақолада корхонанинг жорий активларини таҳлил қилиш воситалари ўрганиб чиқилган ва жорий активларни бошқаришда тизимли ёндашув алгоритми тақдим этилган.

Таянч сўзлар: жорий активлар, жорий активларни бошқаришда тизимли ёндашув алгоритми, жорий активлар ҳажми, жорий активларнинг таркибий қисмларидан самарали фойдаланиш, жорий активларнинг айланиши.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ПОДХОДОВ В СИСТЕМНОМ АНАЛИЗЕ ОБОРОТНЫХ АКТИВОВ

Улугбек Анорбаевич НУРМАНОВ

профессор

Доктор экономических наук

“International School of Finance Technology and Science” LLC

Ташкент, Узбекистан

e-mail: nurmanovua@gmail.com

Шерзод Бахтиёрович МАХМУДОВ

независимый исследователь

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистон

e-mail: Tushina888@mail.ru

Аннотация

Эффективное управление оборотными активами — сложная и ответственная задача для управленческого персонала. В статье рассмотрены способы анализа оборотных активов предприятия и представлен алгоритм системного подхода к управлению оборотными активами.

Ключевые слова: оборотные активы, алгоритм системного подхода к управлению оборотными активами, объем оборотных активов, эффективное

использование компонентов оборотных активов, оборачиваемость оборотных активов.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-139-сон қарорига [1] мувофиқ республиканинг 8 та туманида хом ашёни казиб олишдан уни қайта ишлаш, лаборатория текширувидан ўтказиш, тайёр қурилиш ва пардозбоп материаллар ишлаб чиқаришгача қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш; республиканинг 16 та туман ва шаҳарларида бошқа ҳудудлар билан саноат кооперациясини ташкил қилиш орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш; ҳар бир ҳудудда камида биттадан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдан қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ва тайёр қўп қаватли уй-жойлар қуришгача қўшилган қиймат занжирини яратувчи уй-жой қурилиши кластерларини ташкил этиш; шунингдек 2022 йилда янги ташкил этиладиган қурилиш материаллари ва уй-жой қурилиши кластерларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш каби вазифалар белгиланган.

Шу боис, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хўжалик субъектлари фаолиятида, жумладан, жорий активларни бошқаришда янгича ёндашувлардан фойдаланишни тақозо этади. Уларни замонавий бошқарув назарияси ютуқлари ва уни қўллаш тажрибаларига асосланган ҳолда амалга ошириш муҳим саналади. Бундан кўринадики, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларни бошқариш жараёнларини такомиллаштирмасдан самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин эмас.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хўжалик субъектларида жорий активлар ҳажмини шакллантириш ва тартибга солишда уларнинг етарли даражада сақлаб қолишга, харажатларни оптималлаштиришга ва бунинг натижасида фойдани оширишга ёрдам беради. Шунингдек, жорий активларни бошқаришга тизимли ёндашув улардан унумли фойдаланиш

ҳисобига корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга олиб келади. Мазкур тизимли ёндашув хўжалик юритувчи субъектнинг жорий активларини самарали бошқариш воситаси бўлиши зарур. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хўжалик субъектларининг мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ўзаро муносабатларининг муҳим шартларидан бири жорий активларни бошқаришда уларнинг пухта ўйланган тизимли ёндашувига боғлиқлиги, мол етказиб берувчилар, суғурта захиралар миқдори, кредиторлик қарзларини тўлаш қобилияти ва бошқалар ҳисобланади.

И.Бланкнинг таъкидлашича, «Жорий активларни шакллантиришга агрессив ёндашув ушбу активларнинг айрим турлари бўйича суғурта захираларининг барча шакллари минималлаштиришдан иборат. Операцион фаолият жараёнида етишмовчиликлар бўлмаса, жорий активларни шакллантиришга бундай ёндашув улардан фойдаланиш самарадорлигининг энг юқори даражасини таъминлайди. Бироқ, ички ёки ташқи омилларнинг таъсиридан келиб чиқадиган нормал фаолият жараёнини амалга оширишдаги ҳар қандай муваффақиятсизликлар ишлаб чиқариш ва сотишнинг қисқариши туфайли катта молиявий йўқотишларга олиб келади» [2].

В.Ковалев «Жорий активлар манбаларини бошқариш сиёсатини ҳисобга олган ҳолда сиёсат ликвидликни йўқотиш хавфи ва самарадорлик ўртасида мurosани таъминлаши керак» [3] деб ҳисоблайди.

Е.Стойнова томонидан эса «Жорий активларни бошқариш сиёсати билан жорий мажбуриятларни бошқариш сиёсатини бирлаштирган жорий активлар жорий мажбуриятларни комплекс оператив бошқариш сиёсатини очиб беради. Унинг моҳияти бир томондан, жорий активларнинг етарли даражада ва оқилона шаклланишини аниқлашда, иккинчи томондан эса уларни молиялаштириш манбаларининг ҳажми ва тузилишини аниқлашдадир» [5] деб фикр билдирилган.

Д.Мавлянованинг илмий тадқиқот ишида «Жорий активлар бухгалтерия ҳисобини тартибга солишни такомиллаштириш, уларнинг таҳлилий таъминотини ривожлантириш учун хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсатига «жорий активлардан самарали фойдаланиш» ёки «жорий активларни бошқариш» [4] деб номланган бўлим киритиш лозим. Бу бўлимда жорий активларнинг ҳажми ва таркибига бўлган меъёрлар жорий қилинади. Ушбу меъёрлар орқали корхона бошқарув самарадорлигини баҳолаш имконияти юзага келади» деган фикр келтирган.

Фикримизча, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари учун жорий активларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичида фаолиятнинг маълум бир даври учун операцион циклни амал қилиш жараёнида шаклланган жорий иқтисодий сиёсатни баҳолаш зарур. Жорий активларни бошқариш рентабеллик, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, ликвидлик даражасини сақлаб қолиш учун уларнинг қийматини узоқ ва қисқа муддатли молиялаштириш манбалари нисбати билан тавсифланади.

Илмий тадқиқот натижаларига кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг барча жорий активларини бошқаришда тизимли ёндашув таҳлилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектнинг жорий активларини бошқаришда тизимли ёндашув алгоритминини ишлаб чиқиш зарур.

Фикримизча, хўжалик субъектлари фаолиятининг статистик маълумотлари асосида молиявий таҳлилда уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқланган омиллар, уларни жорий активлар таркибига таъсири, хўжалик субъектининг ҳар бир турдаги активларга бўлган эҳтиёжи таҳлил қилинади.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг узлуксизлиги ва қарзларни ўз вақтида тўлаш учун зарур бўлган жорий активлар ҳажмини, уларнинг таркибий қисмларидан самарали фойдаланишни ҳамда унинг умумий

миқдори ва алоҳида турлари бўйича аниқлашни; жорий активларнинг ҳажми ва уларнинг таркибий қисмларини, шу жумладан улардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар таҳлил қилинади. Хўжалик юритувчи субъект жорий активларининг самарадорлик кўрсаткичлари, жорий активлар элементларининг бир-бирига боғлиқлиги аниқланиб, турли бошқарув қарорлари қабул қилиш йўналишлари белгиланади.

Жорий активларни ташкил қилувчи манбалар аниқланади ва улар иқтисодий жиҳатдан асосланган мақбул нисбатларни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиниши лозим. Шунингдек, жорий активларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш орқали асосий мақсад уларнинг ҳажмини шакллантиришга ва юқори фойда олиш учун жорий активларни шакллантириш манбаларидан оқилона фойдаланишга қаратилади.

Жорий активлардан самарали фойдаланишни таъминлашда жорий активлар айланишини тезлаштириш, активларнинг рентабеллигини ошириш, тўлов қобилияти, ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шунингдек инвентаризация ўтказиш алгоритми шакллантирилади.

Жорий активларни шакллантиришга йўналтирилган ресурслардан фойдаланиш ҳолати ва самарадорлигини мониторинг қилиш тизими пул маблағлари ва товар-моддий захираларнинг ортиқча ҳажмларини камайтириш ёки етишмаслигини тўлдириш ҳамда дебиторлик қарзларни бошқаришни ўз ичига олади.

Жорий активларини бошқаришда тизимли ёндашув ҳажмига нисбатан самарадорлиги бўйича дастлабки баҳо берилади. Шу боис, жорий активларни самарали бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда янгича замонавий тажрибаларни ҳисобга олиш, иқтисодий шароитда пайдо бўлган замонавий буюртмалар бўйича оммавий ишлаб чиқаришдан мослашувчан саноат ишлаб

чиқаришига ўтишни белгилаш ҳамда маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш ва бошқалар амалга оширилади.

Замонавий шароитда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект молиявий таҳлилига тизимли ёндашув алгоритми ишлаб чиқилиши зарур. Фикримизча, тизимли ёндашув алгоритми қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ.

Жорий активлар таркиби ва улардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун мўлжалланган босқич. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг жорий активларини самарадорлик кўрсаткичлари, жорий активлар элементларининг бир-бирига боғлиқлиги аниқланиб, турли бошқарув қарорларини қабул қилиш йўналишлари белгиланади. Бундан ташқари, ушбу босқичда жорий активлар ҳажми, унинг таркибий қисмларининг тузилиши ва улардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш орқали таҳлил қилинади ҳамда товар-моддий захиралар ва дебиторлик қарзлари ҳажмига катта эътибор қаратилади. Товар-моддий захиралар ва дебиторлик қарзларини бошқариш самарадорлиги жорий активлар таркибини таҳлил қилиш ва айланиш коэффициентларини аниқлаш орқали аниқланади. Шунингдек, товар-моддий захираларнинг ҳолатини таҳлил қилишда уларнинг динамикасини ва ҳақиқий қолдиқларини режалаштирилган эҳтиёжларга мувофиқлигини текширишдан бошлаш зарур. Бунинг учун товар-моддий захиралар айланиши кўрсаткичларини ҳисоблаш ва захиралар таркибини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, дебиторлик қарзларини таҳлил қилиш, амалдаги тартибга кўра қуйидаги кетма-кетликда, яъни дебиторлик қарзларининг ҳолати, тузилиши ва ҳаракатининг мутлақ кўрсаткичларини таҳлил қилиш, айланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг нисбатини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда одатда, қисқа муддатли кредиторлик қарзлари қисқа муддатли дебиторлик қарзларини тўлиқ қопласа, ижобий ҳолат ҳисобланади. Бу эса хўжалик юритувчи субъектга қўшимча молиялаштириш манбаларини жалб қилмасдан ўз кредиторлари қарзини тўлаш имконини яратади.

Бошқарув жараёнида асосий эътибор дебиторлик қарзлари бўлганлиги учун унинг таркибидаги муддати ўтган дебиторлик қарзларини таҳлил қилиш муҳимдир. Шу сабабли, дебиторлик қарзлари таркибидаги даргумон дебиторлик қарзларининг улуши таҳлил қилинади. Даргумон қарзлар бўйича товар-моддий захирани ҳисоблаш ва пул оқимлари прогноз кўрсаткичлари дебиторлик қарзларини прогноз таҳлил қилиш жараёнида қўлланилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг узлуксиз ишлаши ва қарзларини ўз вақтида тўлаш учун зарур бўлган жорий активлар ҳажмини, уларнинг таркибий қисмларидан самарали фойдаланиш ҳажмини ҳамда умумий миқдори ва алоҳида турлари бўйича аниқланади. Бу босқичда асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларни ташкил қилувчи манбалар аниқланади. Иқтисодий жиҳатдан асосланган мақбул нисбатларни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиниши лозим.

Шунингдек, жорий активларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш орқали уларнинг мақсадли зарур ҳажмини аниқлашга ва юқори фойда олиш учун жорий активларни шакллантириш манбаларидан оқилона фойдаланишга қаратилади. Тизимли ёндашувнинг ушбу босқичида хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг узлуксизлиги, қарзларни ўз вақтида тўлаш учун зарур бўлган таркибий қисмларини умумий миқдори, индивидуал турлари бўйича оптимал ҳажми ва жорий активларнинг мақсадли зарурий ҳажми аниқланади.

Ушбу босқичда жорий активлар айланишини янада тезлаштириш, активлар рентабеллигини ошириш, тўлов қобилияти, ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шунингдек, инвентаризация ўтказиш алгоритми шакллантирилади ҳамда

жорий активлардан самарали фойдаланиш таъминланади. Жорий активларнинг айланишини тезлаштириш, активлар рентабеллигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, корхонанинг тўлов қобилияти, ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу босқичда тўлов графигини яратиш ва захираларнинг бошқариш алгоритмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, тўлов вақти маълум бир даври учун пул оқимлари жадвалини шакллантиришга ёрдам бериб, барча зарур тўловларни тўлашни кафолатлаш, ҳисоб рақамидаги ортиқча нақд пулларни минималлаштириш ва нақд пул бўшлиқларининг олдини олади. Шу билан бирга, товар-моддий захираларни бошқариш алгоритми захиралар ҳажмини оптималлаштиришга ёрдам беради, захираларни шакллантириш билан боғлиқ харажатларни минималлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Демак, жорий активлардан самарали фойдаланишни таъминлашда тўлов графиги яратилади, муайян давр учун пул оқимлари жадвали шакллантирилади, барча зарур тўловлар тўланилишини кафолатлайди, ҳисобрақамдаги ортиқча пулларни минималлаштиради, нақд пул бўшлиқларининг олди олинади, хомашё ва материалларнинг меъёрлаштирилган захираси шакллантирилади.

Жорий активлар шакллантирилишига йўналтирилган ресурслардан фойдаланиш ҳолати ва самарадорлигини мониторинг қилиш тизимини шакллантириш босқичи.

Бу босқич пул маблағлари ва товар-моддий захираларнинг ортиқча ҳажмларини камайтириш ёки етишмаслигини тўлдириш ҳамда дебиторлик қарзларни бошқариш жараёнларини ўз ичига олади. Шунингдек, мазкур босқичда жорий активларни шакллантиришга йўналтирилган ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ҳолатини мониторинг қилиш тизими режалаштирилади.

Юқорида таклиф қилинган хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий активларини бошқаришда тизимли ёндашув алгоритми орқали жорий активлардан самарали фойдаланишни таъминлаш алгоритмини ишлаб чиқиш мумкин.

Жорий активлардан самарали фойдаланишни таъминлашда жорий активларни тўлов даври учун таквимини яратиш, муайян давр учун пул оқимлари жадвалини шакллантириш, барча зарур тўловларни тўлашни кафолатлаш, ҳисоб рақамидаги ортиқча нақд пулларни минималлаштириш, нақд пул бўшлиқларининг олдини олиш, хомашё ва материалларни меъёрлаштирилган захирасини шакллантиришда эса:

- турли прогнозлар асосида маблағларнинг тушумлари ва харажатларини, маълум бир вақт ичида пул оқимлари учун энг тўғри ва ягона режани шакллантириш;

- корхона даромадлари ва харажатларининг энг мақбул нисбатига эришиш, яъни ижобий ва салбий пул оқимлари натижасини мувофиқлаштириш;

- молиявий ресурсларни сарфлашда уларнинг устуворлигини таъминлаш учун молиявий натижаларга ва юқори кўрсаткичларга эришишда ижобий таъсир кўрсатадиган тўловларни аниқлаш;

- хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари оқимининг ликвидлигига эришиш, яъни тўлов қобилиятининг зарур даражасини таъминлаш назарда тутилади.

Ушбу кўрсаткичларни шакллантириш учун қуйидагиларни аниқлаш ва инобатга олиши лозим:

Биринчидан, турли хилдаги прогнозлар асосида маблағларнинг тушумлари ва харажатларини, маълум бир вақт ичида (масалан, бир ой) хўжалик юритувчи субъектнинг пул оқимлари учун тўғри ва ягона режани шакллантириш.

Иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектнинг даромадлари ва харажатларининг мақбул нисбатига эришиш, ижобий ва салбий пул оқимлари натижасини бир-бирига мувофиқлаштириш.

Учинчидан, молиявий ресурсларни сарфлашда уларнинг устуворлигини таъминлаш учун юқори молиявий кўрсаткичларга эришишда ижобий таъсир кўрсатадиган тўловларни аниқлаш зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектининг жорий активларини бошқаришга тизимли ёндашувнинг ишлаб чиқилган алгоритми мантикий ҳаракат йўналиши ҳисобланиб, нафақат жорий активлардан самарали фойдаланишни таъминлаш алгоритминини ишлаб чиқишда, балки жорий активлар айланишини тезлаштиришга, шу билан бирга тўлов қобилиятини оширишга ва нақд пул танқислигини камайтиришга қаратилган восита бўлиб хизмат қилади. Жорий активлардан самарали фойдаланишни таъминлаш алгоритми орқали муайян давр учун пул оқимлари жадвалини шакллантириш, зарур тўловларни тўлашни кафолатлаш, ҳисоб рақамидаги ортиқча нақд пулларни минималлаштириш, нақд пул бўшлиқларининг олдини олиш, хомашё ва материалларнинг меъёрлаштирилган захираси кўрсаткичларини назарда тутати.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги. / ПҚ-139-сон Қарори. Lex.uz
2. Бланк И.А. Финансовый менеджмент. 2 изд. перев. и доп. – Киев: Эльга, Ника-Центр, 2007. – 534 с.
3. Ковалев В.В. Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности. 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: Финансы и статистика, 1998. – 512 с.

4. Мавлянова Д.М. Жорий активлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини услубий жихатларини такомиллаштириш/. и.ф.ф.д. (PhD). Автореферат. – Тошкент, 2020. – 24 б.

5. Стоянова Е.С. Управление оборотным капиталом: Учебно практическое пособие. – Москва: Перспектива, 1998. – 127 с.